



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА 109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ТУРДИЕВ Бобир Собирович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси Академияси катта ўқитувчиси
E-mail: bobur.mirzo.uz@gmail.com

“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ТУРДИЕВ Б.С. “ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ” НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 167–173.



4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-25>

АННОТАЦИЯ

Мақолада “яширин иқтисодиёт”, унинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлил қилинган. Бунда “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва бартараф этишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари масаласига тўхталиб ўтилган. Хусусан, молиявий транзакцияларда нақд пуллик тўловлар ҳажми катталиги, айрим иқтисодий қилмишлар учун миллий қонунчилигимизда тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги қайд этилиб, “яширин иқтисодиёт”га қарши самарали курашиш йўллари баён қилинган. Бунда хуфиёна иқтисодий фаолиятга қарши курашиш бўйича жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назорати механизмлари имкониятларидан унумли фойдаланиш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: “яширин иқтисодиёт”, нақд пуллик тўловлар, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари, жавобгарлик, жавобгарликка тортишда дифференциация, олдини олиш чоралари, жамоатчилик назорати, аноним мурожаатлар.

ТУРДИЕВ Бобир Собирович

Старший преподаватель Академии
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: bobur.mirzo.uz@gmail.com

ПУТИ СНИЖЕНИЯ И ЭФФЕКТИВНОЙ БОРЬБЫ С ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКОЙ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы основные факторы, влияющие на формирование и развитие

«теневой экономики». Основное внимание в ней уделяется организационным и правовым аспектам сокращения и ликвидации «теневой экономики». В частности, определен большой объём наличных денежных расчетов в финансовых операциях, отсутствие прямой уголовной ответственности за экономические действия в национальном законодательстве. Приводятся эффективные способы борьбы с «теневой экономикой», предлагающие повысить эффективность финансовых санкций и других правовых мер по борьбе с теневой экономикой с учетом широкого использования механизмов общественного контроля.

Ключевые слова: «теневая экономика», наличные выплаты, меры наказания и другие правовые меры, ответственность, дифференциация ответственности, меры пресечения, общественный контроль, анонимные обращения.

TURDIEV Bobir Sobirovich

Senior Lecturer of the Academy of the Prosecutor General's Office
of the Republic of Uzbekistan

E-mail: bobur.mirzo.uz@gmail.com

WAYS TO REDUCE AND EFFECTIVELY COMBAT THE SHADOW ECONOMY

ANNOTATION

The article analyzes the main factors influencing the formation and development of the “shadow economy”. It focuses on some organizational and legal aspects of reducing and eliminating the “shadow economy”. In particular, the large amount of cash payments in financial transactions, absence of direct criminal liability economic acts in national legislation and the effective ways to combat the “shadow economy” are noted. It proposes to increase the effectiveness of penalties and other legal measures to combat shadow economic activity and to make effective use of the potential of public control mechanisms.

Keywords: “shadow economy”, cash payments, penalties and other legal measures, liability, differentiation of responsibility, preventive measures, public control, anonymous reporting.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони билан тасдиқланган 2021 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «яширин иқтисодиёт»нинг улушини қисқартириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Авваламбор, шуни қайд этиб ўтиш лозимки “яширин иқтисодиёт”нинг халқаро эътироф этилган ягона тарифи ҳамда унинг қўламини аниқлашнинг аниқ усуллари мавжуд эмас [1]. “Яширин иқтисодиёт” атамаси адабиётларда “норасмий иқтисодиёт”, “хуфиёна иқтисодиёт”, “соядаги иқтисодиёт” ва бошқа турли атамалар билан ҳам юритилади.

Яширин иқтисодий фаолият асосан латент, яъни яширин хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш усуллари доимий ўзгарувчанлик, мураккаблашиб бориш, турли схемалар орқали содир этилиши каби хусусиятларга эга. Бу эса уларни аниқлаш ва фош этиш мураккаб эканлигини англатади.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларга кўра коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий кучлар бўлиб, коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд, улар маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга [2].

Мамлакатда “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг юқорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юқори даражада бўлишига замин яратади [3]. Паст даромадли давлатларда “хуфиёна иқтисодиёт” кўламини ошириш билан коррупция даражаси ҳам ошириш аниқланган [4].

Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” ва инфляция бир-бири билан мусбат боғлиқ, солиқ юки билан эса манфий боғлиқлик мавжуд [5]. “Яширин иқтисодиёт” билан норасмий бандлик таҳлили

ривожланаётган давлатларда норасмий банд фуқаролар сони расмий меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар сонидан катта эканлигини кўрсатади [6].

Норасмий иқтисодий фаолият кўлами кенгайиши билан ўз домига ҳалол фаолият кўрсатаётган иқтисодий субъектларни ҳам тортиши [7] шахсининг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланади [8].

Айрим тадқиқотчилар яширин иқтисодий фаолиятнинг баъзи жиҳатлари (бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиши, яширин иқтисодиётда олинган даромадларнинг камида учдан икки қисми расмий иқтисодиётда сарфланиши ва бошқ.) билвосита бошқа секторларга ижобий таъсир қилишини эътироф этишади [9].

Шу каби, “яширин иқтисодиёт” ўтиш давлатлари учун табиий ҳолат бўлиб, уларда расмий сектор фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиши, бироқ узоқ муддат давомида яширин иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши мамлакат тараққиётига салбий таъсир қилиши таъкидланиб, ўтиш мамлакатлари учун яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар таклиф этилган [10].

Умуман олганда “яширин иқтисодиёт” давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиб, қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритаётганлар билан яширин фаолият фаолият билан шуғулланадиган шахслар ўртасида ноҳалол рақобат кучайишига хизмат қилади. Агар у билан самарали кураш олиб борилмаса бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, қонун устуворлигига путур етказиб, коррупция, ишсизлик ва бошқа иқтисодий-ижтимоий муаммолар кўпайишига ҳамда давлат ва жамият хавфсизлигига раҳна солади.

Экспертлар ҳисоб-китобига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади [11]. Бу кўрсаткичлар 2017 йил ҳолатида жаҳон миқёсида 22.5 фоизни, Озарбайжонда — 66.12 фоиз, Украинада — 46.12 фоиз, Россияда — 39.29 фоиз, Туркияда — 24.95 фоиз, Ҳиндистонда — 16.55 фоиз, Хитойда — 10.17 фоиз, АҚШда — 7.69 фоизни ташкил этади. Айни пайтда, жаҳон миқёсида мазкур кўрсаткичлар 2025 йилга бориб пасайиб 21 фоизни ташкил этиши башорат қилинган [12].

Бу соҳада етакчи тадқиқотчи олимлар томонидан “яширин иқтисодиёт”га таъсир қилувчи 10 та энг асосий омил сифатида солиқ юки, самарали бошқарув ва коррупция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат хизматлари, солиқ тўловчиларнинг хулқи, превентив чоралар, расмий иқтисодиёт ривожланиш даражаси, якка бандлик, ишсизлик ва иқтисодиётда аграр секторнинг улуши каби омиллар санаб ўтилган [1].

Умуман олганда “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, уни расмий секторга ўтказиш ва унга қарши самарали курашишнинг бир неча йўллари мавжуд.

Мамлакат иқтисодий тараққиёти “яширин иқтисодиёт”нинг қисқаришига олиб келса [13], электрон тўловлар устунлик қилувчи мамлакатларда “яширин иқтисодиёт” улуши кичик бўлади [14], айни пайтда рақамли иқтисод “яширин иқтисод” муаммосини ҳал қилиши мумкин [15]. Бошқа бир тадқиқотда коррупцияга қарши курашиш “яширин иқтисодиёт”га қарши курашишнинг энг самарали усули сифатида қайд этилган [16].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш учун 3 та асосий йўналишлар – солиқ тўловчиларни ўқитиш ва қонунга итоаткорликни соддалаштириш, яширин фаолият билан шуғулланиш имкониятларини камайтириш ва фош этиш имкониятларини ошириш, ижтимоий нормаларни мустаҳкамлаш тавсия этилган [17].

Шуни инобатга олиб, мазкур мақола доирасида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва бартараф этишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

Биринчи йўналиш, нақд пуллик тўловлар билан боғлиқ бўлиб, бу энг катта хавфлардан бири ҳисобланади. Марказий банк маълумотиغا кўра 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра миллий валютадаги пул массаси 62785,8 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 24246,0 млрд. сўми ёки 38.62 фоизи муомаладаги нақд пуллар (бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди) ҳисобланади [18]. Мамлакатимизда нақд пул айланмаси миқдорининг катталиги эса хуфиёна иқтисодий фаолият янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Айниқса катта деноминациядаги купюралар, шу жумладан хорижий валютадаги купюралар жинойий даромадларни легаллаштириш ёки активларни мамлакатдан ноқонуний олиб чиқиш учун қулай восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Замонавий технологияларнинг кириб келиши, янги криптовалюталар, блокчейн технологиялари орқали амалга оширилаётган янги ва номарказлашган товар ва хизматларни айирбошлаш эса бундай хавфни янада оширади.

Бу каби хавфларни камайтириш учун Россия Федерациясида 2017 йилдан нақд пуллик тўловларни мажбурий онлайн рўйхатга олиш жорий этилган бўлиб, нақд пул шаклида тўловни амалга оширган шахс берилган *QR-код*ли тўлов чеки орқали амалга оширилган транзакциянинг қонунийлигини текшириш имкониятига эга. Данияда эса 2013 йилдан қиймати 10000 Дания кронаси (1445 АҚШ доллари)дан ошган барча тўловлар электрон амалга оширилиши, компаниялар эса 50000 Дания кронасидан (7228 АҚШ доллари) ортиқ бўлган нақд пулни қабул қилмаслиги ёки бундай маблағни нақд тўламаслиги талаб этилади [19].

Францияда 2015 йилда фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасида, шунингдек тадбиркорларнинг бир-бири билан нақд пул шаклидаги 1000 ЕВРОдан ошадиган тўловларга чеклов жорий этилган. Австрияда эса қурилиш соҳасида 500 ЕВРОдан ошган нақд пуллик харажатлар (шу жумладан иш-ҳақи) солиқ мақсадлари учун чегириб ташланмайди. Шунингдек, қурилиш соҳасида ойлик маошларни нақд пул шаклида тўланиши (узрли сабаблар бундан мустасно) тақиқланган. Кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида Швецияда 2015 йилда барча тўлов транзакциялари умумий қийматининг атиги 2 фоизи нақд пул шаклида амалга оширилганини [19] ижобий ҳолат сифатида қайд этиб ўтиш лозим.

Иккинчи йўналиш, айрим иқтисодий қилмишлар учун миллий қонунчилигимизда бевосита, яъни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги ва у билан боғлиқ хавфлар мавжуд.

Жорий йилдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ ортиқча тўланган ва ортиқча ундирилган солиқларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш, шунингдек ортиқча ундирилган солиқ суммасига фойзалар тўлаш механизмлари жорий этилмоқда. Бу эса айрим шахслар томонидан мазкур механизмни суистеъмол қилиш орқали *солиққа оид фирибгарликлар* содир этилишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, аксар хорижий давлатларда (Словения, Франция, Германия) ғайриқонуний равишда солиқлар ортиқча тўланганлиги ёки ундирилганлиги тўғрисида мурожаат қилиб, уларни қайтариб олиш билан боғлиқ фирибгарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, АҚШ, Германия, Канада, Сингапур, Япония, Филиппин, Тайланд ва бошқа кўплаб давлатларда барча ғайриқонуний қилмишлар (пора олиш, фирибгарлик, молиявий пирамида ва ҳ.к.) натижасидан олинган *ноқонуний даромадлар* мусодара қилиниши билан бирга уларга қўшимча равишда солиқ ҳисобланиб, солиқ тўловлари белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги ёки солиқ тўлашдан бўйин товланганлиги учун шахслар тегишлича маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Мазкур амалиётни Ўзбекистонда ҳам жорий этиш юзасидан ҳуқуқий жиҳатдан чеклов мавжуд эмас.

Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний равишда молиявий операцияларни (пул ўтказмалари, қарз, кредит, лизинг ва ҳ.к.) амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Туркияда фойда олиш мақсадида ноқонуний равишда қарз берганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фойда олиш мақсадида ноқонуний равишда молиявий хизматларни (қарз, кредит, лизинг, пул ўтказмалари) тақдим этганлик учун жавобгарликни белгилаш тақлиф қилинади.

Глобал миқёсда яширин иқтисодий фаолият юритиш хавфи юқори бўлган *ташқи иқтисодий фаолият* билан боғлиқ айрим қилмишлар, хусусан ноқонуний импорт қилинганлиги шахсга аён бўлган ҳолда мазкур товарларни яшириш, ўтказиш, реализация қилиш учун Финляндияда жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ, мамлакатимизда бу каби ҳуқуқбузарлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида келтириб ўтилган айрим қилмишлар учун жиноий жавобгарликни киритиш нафақат замон талаби, балки Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар доирасида давлат ўз зиммасига олган мажбуриятлардан ҳисобланади.

Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1617-сонли резолюциясига мувофиқ (2005) ФАТФ тавсиялари БМТга аъзо давлатлар учун ижро этилиши мажбурий бўлган халқаро стандартлардан ҳисобланади. ФАТФ ташкилотининг стандартларига кўра (3-тавсия) жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятти тушунчаси билан барча жиддий жиноятларни, шу жумладан кенг доирадаги предикат жиноятларни қамраб олиш лозимлиги таъкидланган [20].

Учинчи йўналиш, *яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш бўйича* жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг самарадорлиги *масаласига бориб тақалади. Шахс ҳуқуқбузарликнинг*

аниқланиши эҳтимолига қараб ҳуқуқбузарлик содир этиши, бунда жазо санкцияси миқдорининг аҳамиятсизлиги, шу сабабли санкцияларни кучайтириши эмас, балки шахснинг ҳуқуқбузарлик учун албатта жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини таъминлаш муҳим эканлиги аниқланган [21].

Буни хорижий давлатларда иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун кенг турдаги жазо чораларининг самарали қўлланилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, жавобгарликка тортишда дифференциация (табақалаштириш), жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали шахсларни шарманда қилиш ҳуқуқий таъсир чораларининг белгиланганлиги яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ирландияда иқтисодий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тизими шахснинг ҳуқуқбузарликни ихтиёрий бартараф этишига қаратилган. Айни бир ҳуқуқбузарлик учун санкциялар назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилганлик, ҳуқуқбузарлик оқибатларини ихтиёрий бартараф этганлик ва ҳуқуқбузарлик такрорланиши даражасига қараб дифференциация қилинади [22].

Шу сабабли, иқтисодий ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва бартараф этишда шахснинг иштироки даражасига (ҳамкорлик) қараб жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш ҳамда янада либераллаштириш лозим. Бу ҳар икки томон ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва самарали мулоқот ўрнатиш учун ҳуқуқий замин яратади.

Тўртинчи йўналиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ва олдини олишда жамоатчилик назорати механизмлари имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Олиб борилган тадқиқотлар яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ва олдини олишда назоратни кучайтириш ва текширувлар сонини кўпайтириш молиявий харажатлар ва ресурсларни (инсон, вақт, технологик ва ҳ.к.) сафарбар этишни талаб этиши, барча ресурсларни иқтисодий ҳуқуқбузарликларни аниқлашга сафарбар этишнинг имкони йўқлиги ва назоратни кучайтиришнинг самарадорлиги пастлигини эътироф этади.

Мазкур муаммоларни кам харажат талаб этадиган бошқа чора-тадбирлар, хусусан қонунга итоаткорлик маданиятини ошириш, комплаянс институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ихтиёрий хабар берилишига эришиш, ҳуқуқбузарликларга жамоатчилик назорати механизмлари орқали қарши курашишга устуворлик берилади.

Жумладан, Ирландияда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишда назорат қилувчи органлар *жамоатчилик назорати* механизмлари ва инсофли солиқ тўловчилар ёрдамига таяниши эътирофга лойиқ. Бунда солиқдан қочиш ва носоғлом рақобат ҳоллари ҳақида фуқаролар, тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларига турли воситалар орқали электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан аноним тарзда хабар бериш имконияти берилган ва мурожаатчиларнинг шахси ошкор қилинмайди [22].

Сингапурда эса информаторларнинг шахсини сир сақлаган ҳолда берган маълумоти бўйича аниқланган ва ундириб олинган сумманинг 15 фоизи, бироқ 100000 Сингапур долларидан кўп бўлмаган мукофот берилади [23].

Бироқ, миллий қонунчилигимизда *аноним мурожаатларнинг* кўриб чиқилмаслигига оид норманинг [24] мавжудлиги, айрим шахсларнинг эса шахси ошкор бўлиб қолишдан чўчиши натижасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида тегишли идораларга хабар бермаслиги иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашишда салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур мақола доирасида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва бартараф этишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифлар билдирилади:

Биринчидан, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда нақд пуллик тўловларни қисқартириш ва электрон ёки масофавий тўловларни амалга оширишни кенгайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, жиноят кодексида айрим иқтисодий қилмишлар (солиқ, ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ фирибгарликлар, ноқонуний молиявий хизматлар учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни киритиш таклиф қилинади.

Учинчидан, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш таклиф қилинади.

Бунда юридик шахслар учун жиноий жавобгарликни белгилаш, жиноий таъсир чора сифатида мусодара қилишни киритиш таклиф қилинади.

Шунингдек, айрим ҳуқуқбузар шахслар ёки инсофсиз тадбиркорлик субъектларини обрўсизлантириш мақсадида уларнинг рўйхатини эълон қилиш (чоп этиш) амалиётини жорий этиш таклиф қилинади.

Тўртинчидан, коррупция, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар ва хуфиёна фаолият юритаётган шахслар тўғрисида аноним тарзда ёхуд аризагининг шахси сир сақланишини таъминлаган ҳолда турли воситалар ёрдамида электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, бунда нодавлат нотижорат ташкилолари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Мазкур чора-тадбирлар иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва таъсир чораларини янада такомиллаштириш, инсофли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик ва жамоатчилик назоратини рағбатлантириш орқали яширин иқтисодиётни қисқартириш ва олдини олишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. *Open Economics*, 1(1), pp.1-29.
2. Қобилов Ш. Р., Абдуллажонов Н. Б. Коррупция ва хавфсизлик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. - 43 б. (Qobilov Sh. R., Abdullajonov N. B. Corruption and security. -T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006. - 43 p.)
3. Тагаев Б.А., “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2015 йил. (Tagaev B.A., “Shadow Economy” as a threat to economic security, Scientific electronic journal “Economy and Innovative Technologies”. № 3, May-June, 2015)
4. Dreher, A. and Schneider, F., 2010. Corruption and the shadow economy: an empirical analysis. *Public Choice*, 144(1-2), pp.215-238.
5. Mazhar, U. and Méon, P.G., 2017. Taxing the unobservable: The impact of the shadow economy on inflation and taxation. *World Development*, 90, pp.89-103.
6. Schneider, F., 2011. The shadow economy and shadow economy labor force: what do we (not) know?.
7. Хуфиёна иқтисодиётнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири. (The impact of the shadow economy on the development of the state and society) <http://biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49558~xufiyona-iqtisodiyotning-davlat-va-jamiyat-taraqqiyotiga-tasiri?tmpl=component&print=1&page=>
8. Абулқосимов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари, Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 5. 46-53 бетлар. (Abulqosimov M.H. Theoretical aspects and ways to ensure the economic security of the individual in a market economy, *Economics and Finance / Economics* 2017, 5. pp. 46-53.)
9. Matthew H. Fleming, John Roman and Graham Farrell, *Journal of International Affairs*, Vol. 53, No. 2, Shadow Economies: Promoting Prosperity or Undermining Stability? (Spring 2000), pp. 387-409. <http://www.jstor.org/stable/24357758>
10. Eilat, Y. and Zinnes, C., 2002. The shadow economy in transition countries: Friend or foe? A policy perspective. *World Development*, 30(7), pp.1233-1254.
11. Яширин иқтисодиёт улуши Ўзбекистон ЯИМнинг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этмоқда (The share of the shadow economy is more than 50% of Uzbekistan’s GDP) <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/>
12. Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36.
13. Berdiev, A.N. and Saunoris, J.W., 2016. Financial development and the shadow economy: A panel VAR analysis. *Economic Modelling*, 57, pp.197-207.
14. Schneider, F., 2009. The Shadow Economy in Europe. Using Payment Systems to Combat the Shadow Economy.
15. Рақамли иқтисод нима – Жамшид Кўчқоров жавоб беради. (What is the digital economy

- answered by Jamshid Kochkarov) <https://sputniknews-uz.com/analytics/20200127/13314801/Raamli-itisod-nima--Zhamshid-chorov-zhavob-beradi.html>

16. Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36.

17. OECD, 2017. Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats. [online] p.60.

URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени, 2.4-жадвал (Пул агрегатлари). 2020 йил. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/171/Markaziy-bankning-Statistik-byulleteni--2019-yil.pdf>. (Statistical Bulletin of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Table 2.4 (Monetary aggregates). 2020.)

19. OECD, 2017. Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats. [online] p.60.

URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>.

20. FATF (2012-2018), International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation, FATF, Paris, France, www.fatf-gafi.org/recommendations.html.

21. Kimberly N. Varma and Anthony N. Doob, Deterring economic crimes: The case of tax. Centre of Criminology University of Toronto. Toronto, Ontario Canadian Journal of Criminology, pp. 165-184 (April/1998).

22. Ирландия Солиқ ва божхона даромадлари идорасининг расмий сайти: www.revenue.ie маълумотларидан фойдаланилди. (Data taken from the official website of the Irish Tax and Customs: www.revenue.ie).

23. Сингапур Ички даромадлар органининг расмий сайти: <https://www.iras.gov.sg> маълумотларидан фойдаланилди. (Data taken from the official website of The Inland Revenue Authority of Singapore: <https://www.iras.gov.sg>).

24. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 29-модда. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Расмий манба нашри №37, 977-модда, 2017 йил. (Article 29 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On appeals of individuals and legal entities”. National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan. Official Source Publication №37, Article 977, 2017.)